Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 97 (7487). ● 16 май, 1981 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ чорвадорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, 1981 йил план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети чорвачилик комплекслари ва фермалари ходимларининг меҳнат активлигини янада ошириш, чорвачилик маданиятини юксалтириш асосида гўшт, сут ва тухум етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан 1981 йилга белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида колхоз-совхоз, чорвачилик комплекслари ва фермалари коллективларининг чорвачилик маданиятини ошириш юзасидан область социалистик мусобақасини ташкил этдилар.

Биринчи ярим йиллик, тўққиз ойлик ва умуман 1981 йил якунлари бўйича мусобақа голибларини мукофотлаш учун область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг битта кўчма Қизил байроғи, иккита Дипломи ва 3 та Фахрий ёрлиғи таъсис этилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига область мусобақаси шартларини ҳар бир коллективга етказиш, чорвачилик комплекслари ва фермалари ходимларининг чорвачилик маданиятини юксалтириш ҳаракатини ҳамма ерда оммавий тус олдириш вазифаси юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига чорвачилик комплекслари ва фермалари коллективларининг чорвачилик маданиятини юксалтириш, гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан 1981 йилга белгиланган тадбирлари муддатидан илгари бажариш учун бошлаган социалистик мусобақаларини кенг ёритиш топширилди.

КОЛХОЗ, СОВХОЗ, ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИ ВА ФЕРМА КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ШАРТЛАРИ

ОБЛАСТЬ қишлоқ хўжалик органлари, районлар, колхозлар ва давлат хўжаликлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига амал қилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV ва XIX пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида чорвачиликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш тадбирларини ишлаб чиқдилар, 1981 йилда 1980 йилдагига қараганда гўшт етиштиришни 22 процентга, сут ва тухум етиштиришни 15 процентга кўпайтиришни белгиладилар.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган янги марраларни эгаллаш партия комитетлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан қатъий ташкилотчиликни, чорвачилик ходимларининг тармоқ маданиятини ошириш соҳасидаги ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришни, фермаларда намунали санитария-ветеринария тартибини сақлаш, молларни асраш ва озиқлантириш технологиясига қатъий риоя қилишни, меҳнат унумдорлигини оширишни, маҳсулот сифатини яхшилашни талаб этади.

Шу мақсадларда Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети «Намунали чорвачилик фермаси, комплекси» номини олиш учун колхозлар, совхозлар, чорвачилик комплекслари ва фермалари коллективлари ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришни зарур деб ҳисоблайди.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ШАРТЛАРИ ВА ЯКУН ЯСАШ

МУСОБАҚАДА областдаги барча колхоз-совхоз, чорвачилик комплекслари ва фермалари коллективлари иштирок этадилар. Мусобақага биринчи ярим йиллик, уч квартал ва йил охирида якун чиқарилади. Қуйидагиларни таъминлаган хўжалик фермалари ва комплекслари мусобақа голиби бўладилар:

— календарь план ва социалистик мажбуриятларни бажарган, мол ва паррандa бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, насл олиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда 1980 йилнинг шу давридагига нисбатан энг юксак ўсишга эришган;

— чорвачиликни ташкил этиш ва олиб боришнинг асосий масалаларига оид қўлланмага биноан фермаларни жиҳозлаган, чорвачилик ва ишлаб чиқариш хоналарини намунали санитария-ветеринария ҳолатида сақлаган, ферма территориясини ўз вақтида дезинфекция қилиб оқлаган, ободонлаштирган ва кўкаламзорлаштирган;

— профилактика ва санитария-ветеринария тадбирлари комплексини ўз вақтида ўтказиб, қорамол ва паррандаларнинг касалланишига йўл қўймаган, қорамолларни камида 98 процентини, қўй ва эчкиларнинг 97 процентини, чўчқанинг 95 процентини, паррандaнинг 90 процентини сақлаб қолган;

— чорва молларига ўз вақтида қараб, уларни тўйдириб озиқлантирган, инвентарларни намунали санитария ҳолатида сақлаган, давлатга камида 97—98 процент сутни биринчи сортларда, бўрдоқиларнинг эса 90 процентини юқори семизликда топширган;

— ургочи молларни ўз вақтида қочириб, аниқ ҳисобга олган, сунъий қочириш усулини кенг қўллаган, молларнинг қисир қолишига қарши профилактика ва даволаш чораларини қўллаш асосида сигирлар ва икки ёшдан катта ғунажинлардан 95 процент, қўй ва чўчқалардан 98 процент насл олган, 100 бош сигирдан 95 та бузоқ, икки ёшдан катта ғунажинлардан 90 бош бузоқ, совлиқлардан 110 бош қўзи, чўчқалардан 2500 бош чўчқа боласи олган;

— озуқа цехлари ва линияларининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаган, озуқадан рационал фойдаланиб, бир килограмм сут олиш учун 1,5—1,6 озуқа бирлиги, қорамолни бир килограмм семиртириш учун 10—11 озуқа бирлиги, чўчқаларни бир килограмм семиртириш учун 7—8 озуқа бирлиги сарфлаган;

— барча соғиш қурилмалари, механизмлар, асбоб-ускуналар ва озуқани қайта ишлайдиган машиналардан тўла фойдаланиб, уларни соз ҳолда сақлаган;

— фермаларда дам олиш ва умумий овқатланиш хоналарини намунали жиҳозлаган, чорвадорларнинг юксак унум билан ишлашлари учун зарур маданий-маиший шароитларни яратиб берган;

— ферма, комплекс ва чорвачилик хоналарини социалистик мусобақани ривожлантириш, озиқлантириш, зооветеринария қоидалари, чорва молларини парвариш қилиш ва сақлаш тартибларига риоя қилишга оид кўргазмали куроллар билан яхши жиҳозлаган;

— иқтисодий билимлар мактабларида зооветеринария ўқуви системаси бўйича чорвачилик ходимлари кадрлари ўқувини ташкил этиб, уларнинг малакасини оширган.

Мусобақа босқичларида чорвачилик фермаси ва комплексини район партия комитетлари, район ижроия комитетлари ва касаба союзлари район комитетлари тавсияси билан область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси 15 июль, 15 октябрь ва 15 январдан нечиқмай мукофотга тақдим этади.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ГОЛИБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ

СОЦИАЛИСТИК мусобақа голиблари бўлган чорвачилик фермалари ва комплексларини мукофотлаш учун битта биринчи, иккита иккинчи ва учта учинчи ўрин белгиланади. Голибларга «Намунали чорвачилик фермаси, комплекси» унвони берилиб, қуйидагича мукофотланади:

— биринчи ўринга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ва гуҳоҳномаси, илғор чорвадорларга сотиш учун битта енгил автомашина ҳамда 500 сўм пул;

— иккинчи ўринга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг дипломи, ҳар бир фермага илғор чорвадорларга сотиш учун иккитадан гилам маҳсулотлари ва 300 сўм пул;

— учинчи ўринга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг Фахрий ёрлиғи ва 200 сўм пул.

Йил якунида алоҳида ўрнак кўрсатган ферма ва комплексларнинг чорвачилик ходимларига — социалистик мусобақа голибларига 15 та «Урал» маркали нажавали мотоцикл, Совет Иттифоқи бўйлаб 30 та имтиёзли туристик йўлланма, СССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасига 10 та йўлланма берилади.

ТАСС АХБОРОТИ

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ОРБИТАДА

1981 йил 14 май куни Москва вақти билан соат 21 дан 17 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз-40» космик кемаси учирилди.

Космик кемани кема командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Леонид Попов билан тадқиқотчи-космонавт, Руминия Социалистик Республикасининг гражданин Думитру Прунариудан иборат халқаро экипаж бошқармоқда.

«Союз-40» кемасининг учиш программасига мувофиқ у «Салют-6»—«Союз-Т-4» орбитал илмий-тадқиқот комплекси билан туташтирилади. Космонавтлар Попов ва Прунариу комплекс ичида 1981 йил 12 мартдан бери ер атрофи орбитасида ишлаб келаётган космонавтлар Коваленок ва Савиних билан биргаликда бир қанча тадқиқот ва эксперименталарни бажаришлари лозим.

Халқаро экипажнинг космик учиши «Интеркосмос» программасига биноан амалга оширилмоқда, 1978 йил мартидан бери ўтган давр ичида Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатлар гражданларининг саккизта биргаликдаги учиши шу программа доирасида ўтказилди.

«Союз-40» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Космонавтлар Попов ва Прунариу ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Союз-40» космик кема командири-СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Леонид Иванович ПОПОВ.

«Союз-40» космик кемасининг тадқиқотчи-космонавти, Руминия Социалистик Республикасининг гражданин Думитру ПРУНАРИУ.

Леонид Иванович ПОПОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Леонид Иванович Попов 1945 йил 31 августда Кировоград областининг Александрия шаҳрида туғилган.

1968 йилда Ленин комсомоли номидаги Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлаб чиққанидан кейин ҳарбий ҳаво кучларида қирувчи — учувчи бўлиб хизмат қилди.

1970 йилда Леонид Иванович космонавтлар отрядига қабул қилинди. Космик аппаратларнинг учишини бошқаришда қатнашди.

Л. И. Попов — 1971 йилдан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1976 йилда космонавтлар тайёрлаш марказида ишлаб, айни бир вақтда Ю. А. Гагарин номли ҳарбий-ҳаво академиясини тамомлади.

Л. И. Попов 1980 йилда «Салют-6» станциясидаги асосий экспедициянинг командири сифатида биринчи марта 185 сутка давомида космосда учди.

Думитру ПРУНАРИУ

Руминия Социалистик Республикасининг граждани Думитру Прунариу 1952 йил 27 сентябрда Брашов шаҳрида туғилган.

1976 йилда Бухарест политехника институтини тамомлагандан кейин авиация заводида инженер бўлиб ишлади. Сўнгра ҳарбий авиация офицерлари мактабини битириб чиқиб, Руминия халқ армияси авиация полкида хизмат қилди.

Старший лейтенант-инженер Думитру Прунариу 1973 йилдан буён Руминия Коммунистик партиясининг аъзоси.

1978 йил мартида Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказида «Интеркосмос» программасига мувофиқ космик учишга ҳозирлик кўра бошлаган. Киши бошқарадиган «Союз» кемаси ва «Салют» орбитал станцияси программасига биноан тўла таълим курсини тамомлади.

«СОЮЗ-40» КЕМАСИ КОМАНДИРИНИНГ ПАРВОЗ ОЛДИДАН БЕРГАН БАЁНОТИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Бугун қардош мамлакатлар — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикасининг гражданлари «Союз-40» кемасида космик учишга жўнаб кетмоқдалар. Менга шу халқаро экипажнинг командири бўлишдек юксак шараф ва ишонч билдирилди.

20 йил муқаддам, 1961 йил 12 апрель куни ер юзининг биринчи космонавти — СССР гражданининг номини бутун дунё эшитди. Ватанимизнинг ботир фарзанди Юрий Алексеевич Гагаринининг ўлмас жасорати бизни янги парвозларга чорлайдиган улуғ намуна бўлиб қолди.

Бизнинг учишимиз социалистик мамлакатлар космонавтларининг ишлаб чиқилган «Интеркосмос» программасига мувофиқ «Салют-6» — «Союз» орбитал совет илмий-тадқиқот комплексида бажарадиган биргаликдаги тадқиқотлари ва экспериментларини ниҳоясига етказади.

Қардош мамлакатлар намояндаларининг космоса биргаликда учишлари социалистик мамлакатлар халқлари мустаҳкам дўстлиги, самарали ҳамкорлиги ва бирлигининг далилидир.

«Союз-40» кемасининг экипажи номидан космик учишга тайёрмиз, бизга топширилган фахрли ва масъулиятли вазифани бажариш учун бутун билимимиз ва тажрибамизни ишга соламиз, деб маълум қиламан.

«Союз-40» кемасининг командири СССРнинг космонавт-учувчиси Леонид ПОПОВ.

«СОЮЗ-40» КЕМАСИ ТАДҚИҚОТЧИ-КОСМОНАВТИНИНГ ПАРВОЗ ОЛДИДАН БЕРГАН БАЁНОТИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Руминия Социалистик Республикасининг граждани менга юксак шараф кўрсатилди. Космосга учаётган экипаж шу тарихга менга зўр ватанпарварлик масъулияти — Руминия авиация полкомасида янги ва муҳим боб—космосга учиш бобини очиш вазифаси ишониб топширилаётганини англаб турибман.

Мен космик учишимиз программасини бажаришга бутун кучим ва астойдил садоқат билан кўмаклашишга азму қарор берганман.

Коммунист бўлганим учун ҳам ўз космик учишимни социалистик Руминиянинг шонли асосчиси — Руминия Коммунистик партияси таркиб топган кунинг 60 йиллигига алоҳида мамнуният билан бағишлайман.

Шу ҳалжонли онларда менга билдирилган ишонч учун Руминия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети билан Руминия Социалистик Республикасининг ҳукуматига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети билан Совет Ҳукуматига, шахсан Николае Чаушеску ва Леонид Ильич Брежнев ўртоқларга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бизнинг учишимиз социалистик мамлакатларнинг космик фазони тинч мақсадларда, халқаро ҳамкорлик манфаатлари йўлида, бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида тадқиқ қилиш соҳасидаги программасини муваффақиятли бажаришга кўмаклашиши шубҳасиз.

Бизнинг учишимиз Руминия — Совет муносабатларига, халқларимиз ўртасидаги самимий дўстлик, ҳамкорлик ва бирдамликка, тинчлик ва халқаро тараққиётга хизмат қилади!

Маълум қиламанки, учишга тайёрман!

«Союз-40» кемасининг тадқиқотчи-космонавти РСР граждани Думитру ПРУНАРИУ.

КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ХОТИРАСИ

ЗАФАРОБОД. (Жиззах области). 15 май. (ЎзТАГ). Бугун «Уч қаҳрамон» совхозининг марказий кўрасида космонавт қаҳрамонлар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацаевга қўйилган ҳайкалнинг тантанали очилиши бўлди.

Учига космик ракета қўйилган пушти тошдан ишланган тўрт метрли стела олдидаги гранит супага космонавтларнинг бюстлари қўйилган. Ҳайкални ўраб олган фонтан сувлари уни гўё вазнсиз ҳолатда ушлаб тургандек ғуюлади. Ёдгорликни ҳайкалтарош А. Аҳмедов билан архитектор Н. Абдураҳимов яратганлар.

...Бундан 10 йил аввал чўлда шу совхоз барпо этилаётганда чўлқуварлар учиш охирида ҳалок бўлган космос қаҳрамонларининг жасоратларидан хабардор бўлдилар ва уларнинг хотирасини абадийлаштиришга қарор қилдилар. Шундай қилиб, совхоз «Уч қаҳрамон» деб аталди. Дала меҳнаткашлари бу фахрли номни зарбдор меҳнат билан оқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўзларининг беш йиллик пахта планларини тўрт йилда бажаришга, дала ҳосилдорлигини ҳар мавсум ортириб боришга қарор қилдилар. Деҳқонлар Звездний шаҳарчасида яшайдиганлар билан қалин алоқада бўлиб келмоқдалар. Фазогирлар пахтакорларга меҳмон бўлиб келиб турибдилар.

Ҳайкални очишга бағишланган митингда октябрь район партия комитетининг биринчи секретари М. Нишонов, «Уч қаҳрамон» совхозининг директори Х. Назарқосимов, Ҳ. Олимжон номли 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Н. Ризаева, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Бойматов, СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. Н. Рукавишников сўзга чиқиб, космонавтларнинг жасоратлари барча совет кишилари учун Ватанга фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин тимсоли бўлиб қолади, жонажон Коммунистик партия XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда ҳамиша янги-янги муваффақиятларга даъват этиб туради, дедилар.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик В. А. Котельников қатнашдилар.

ПИЛЛА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШГА ШАЙМИСИЗ?

ОБЛАСТИМИЗ пиллачилари ипак қурти парвариш қилишни муваффақиятли ниҳоясига етказяптилар. Кунгиса қабул пунктларига пилла топшириш бошланди. Бу йил «кумуш тола» 15 та райондаги 54 та пункда қабул қилинади. Кўпгина пиллахоналар коллективлари бу масъулиятли мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриб қўйдилар. Пилла қурти қуритиладиган майдончалар, зарур механизмлар, асбоб-ускуналар ўз вақтида ремонт қилиниб, шай қилинди.

Бироқ, барча пунктларда ҳам пилла қабул қилишга ҳамма нарса тахт, деб бўлмайди. Оржоникидзе район бош пиллахонасида пилла сақлашга мўлжалланган бостирма ҳанузгача қуриб битказилмаган. Шунингдек, пилла саралайдиган жиҳозлар ҳам ремонт қилиб бўлинмаган. Бу ерда янги лаборатория биноси қурилди. Лекин унда турли камчиликлар мавжуд. Жумладан, лабораторияда пардозлаш ишлари ўтказиш ҳамда пол тахталарини қоқиш талаб этилади.

Тошкент районидаги пиллахонада ҳам кўлгина камчиликларга дуч келасиз. Бу ерда пилла қуритиладиган «СК-150 К» сушилкаси ёқиш агрегатининг ремонти эндигина бошланган. Пилла сақланадиган бостирмаларнинг томларидаги шиферлар синиб ётибди. Пиллахонада инструкцияда кўрсатилгандек, тарозиларининг ҳар бир бўлинмаси 100 граммдан бўлиши ўрнига 200 граммликдир. Бу тарозиларни алмаштириш талаб қилинади.

Тайёрловчилар қурт боқувчилар ўртасида давлатга сифатли пилла топшириш аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб боришлари лозим. Бунда айниқса янги давлат стандарти бўйича пилла топширилганда хом ашё ипак миқдорига қараб белгиланиши батафсил тушунтирилиши лозим. Бунинг учун сара пиллани қорапўчоққа қўшиб юбормаслик, терилган пилла қабул пунктларига юмшоқ буюмларда (қоп, қоғоз қоп, дастурхонларда) олиб борилмаслиги кераклиги уқтирилиши керак.

Бу йил областимиз пиллачилари давлатга 2 минг тонна юқори сифатли хом ашё топширди мажбуриятини олганлар. Баракали «кумуш тола» хирмони барпо этиш учун кураш ҳал қилувчи паллага кирялти. Барча пунктларда пиллани пешмапеш қабул қилиб олиш ва сифатли сақлаш учун барча чоралар кўриб қўйилиши керак.

Н. ЖАВҲАРОВ,
область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспектори.

ШУ КУННИНГ ТЕМАСИДА

Оққўрғон район пиллахонасида иккита «КСК-4,5» пилла қуритиш агрегатига форсунка ва ёқилғи насоси ўрнатилмаган, ёқиш агрегатлари ремонтсиз ётибди. Бу ерда қабул пункти территориясини ёритиш учун умуман лампочкалар йўқ.

Ўрта Чирчиқ районидаги Тўйтепа пиллахонасида ҳам ана шундай нуқсонлар мавжуд. Бу ердаги бостирмалардан бири авария ҳолатида турибди. Шунга қарамай хозиргача бостирмани ремонт қилиш масаласи ҳал қилинган йўқ.

Маълумки, областимиз айрим районларида пилла янги давлат стандартига биноан қабул қилиняпти. Ўтган йили 7 та районда пилла ана шу стандарт асосида тайёрланди. Бу йил эса янги давлат стандарти областнинг 11 та районида жорий этилади. Бунда давлатга топширилган пилла ундаги мавжуд ипак миқдорига қараб белгиланади. Бошқача қилиб айтганда давлатга сифатли пилла топширган пиллачиларга ипак миқдорига қараб қўшимча пилла ёзилади.

Бу пиллахоналардаги лабораториялар ишини тубдан яхшилашни талаб этади. Масалан, Ғалаба районидаги пиллахона лабораторияси жуда ҳам тор. Унинг сатҳи атиги 24 квадрат метрни ташкил этади. Лабораторияда зарур жиҳозлар ҳам етишмайди. Бу соҳада области пиллачилик бошқармаси ҳам қабул пункти коллективига яхши ёрдам кўрсатмаяпти. Айниқса, пилла сақланадиган бостирмалар ва стеллажларни ремонт қилиш учун ёғоч материаллари етишмаяпти.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Алоқа министрлиги корхоналари ва ташкилотлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Жабборов Пардавой — Пискент район алоқа узели почтальони.

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Азгаров Козим Азгарович Ғазалкент район алоқа узели бошлиғи.

Базарнова Тамара Александровна — Чирчиқ шаҳар алоқа узели инженери.

Кудинов Анатолий Николаевич — Тошкент область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси бошлиғи.

Ш ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Бутаков Леонид Яковлевич — Чирчиқ шаҳар алоқа узели электр монтёри.

Дьяков Михаил Лаврентьевич — Тўйтепа алоқа эксплуатация-техника узели кабель уловчиси.

Кушенбоев Сидиқ — Тўйтепа алоқа эксплуатация —техника узели электр монтёри.

Нурматов Рихситилла — Тошкент алоқа эксплуатация-техника узели электр монтёри.

Сотников Владимир Сергеевич — Тошкент алоқа эксплуатация техника узели электр монтёри.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Бекшенов Луқмон Абдураҳимович — Тошкент область «Союзпечать» агентлиги бошлиғи ўринбосари.

Исломова Гулсум Хузиятовна — «Союзпечать» Тўйтепа агентлиги киоскачиси.

Куртько Татьяна Ивановна — Олмалиқ шаҳар алоқа узели оператори.

Содиқова Нурихон Ёқубовна — Тўйтепа район алоқа узели телефончиси.

Станкевская Анна Максимовна — Ангрен шаҳар алоқа узели оператори.

Ткаченко Ольга Николаевна — Янгийўл район алоқа узели катта телеграфчиси.

Убайдуллаева Зебо — Зафар район алоқа узели телефончиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ларионов Дмитрий Васильевич — Ангрен шаҳар телефон тармоқлари бош бошқармаси бошлиғи.

Давликанова Деляфруз Гереевна — Чилонзор алоқа узели бўлим бошлиғи.

Ибрагимова Сония Холматовна — Куйбишев алоқа узели бўлим бошлиғи.

Назаров Мусурмон — Оққўрғон район алоқа узели почтальони.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Нўлдошева Тожи — Тошкент темирйўли ҳузуридаги почтампти сараловчиси.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Никитина Мария Васильевна — Тошкент телеграфи телеграфчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Злотников Семён Павлович — республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение узели бошлиғининг ўринбосари.

Зонтов Комил — Тошкент телеграфи электр монтёри.

Исамуҳамедова Салима Ғофуровна — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги бошқарма бошлиғи.

Ларен Мустафо Ҳасанович — Тошкент шаҳар телефон тармоқлари электр монтёри.

Мирзаева Холидахон Қаюмовна — Тошкент телеграфи телеграфчиси.

Шомо Мария Гавриловна — ҳаво линиялари орқали почта ташиш Тошкент бўлими сараловчиси.

Янгузаров Рауф Ҳалитович — 10-шаҳарлараро алоқа ва телевидение бошқармаси территориал маркази бошлиғи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Тўхтаев Темир Махсудович — Ўзбекистон ССР Алоқа министри.

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Галкин Анатолий Михайлович — Тошкент «Промсвязь» тажриба заводи бош инженери.

Ғуломов Ҳикматулла Ғуломович — Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бош бошқармаси бошлиғи.

Давликанова Деляфруз Гереевна — Чилонзор алоқа узели бўлим бошлиғи.

Ибрагимова Сония Холматовна — Куйбишев алоқа узели бўлим бошлиғи.

Кожемяко Зинаида Ивановна — СССР Алоқа министрлиги 2-Давлат иттифоқ лойиҳа институти лойиҳаларининг бош инженери.

Коротина Надежда Федоровна — Тошкент алоқа политехникуми кутубхона мудири.

Кузнецова Нелла Николаевна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири ўринбосари.

Нагин Григорий Петрович — Тошкент темирйўли ҳузуридаги почтампти почта вагони бошлиғи.

Содиқова Нафиса — «Союзпечать» Киров район агентлиги киоскачиси.

Сон Владимир Мунхович — Тошкент алоқа электротехника институти проректори.

Суханова Вера Михайловна — республика шаҳарлараро телефон станцияси телефончиси.

Тоғайалиев Абдунаби — Ўзбекистон ССР Алоқа министрининг биринчи ўринбосари.

Турғунов Тўйчи — республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение узели тракторчиси.

Шефченко Елена Петровна — Ҳамза телефон алоқа узели цех бошлиғи.

Ш ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Акромов Акбар — Тошкент шаҳар телефон тармоқлари кабель уловчиси.

Дмитриева Нина Степановна — Тошкент «Промсвязь» тажриба заводи прессловчиси.

Комилов Ҳожиакбар Раҳмонович — Тошкент шаҳар телефон тармоқлари кабель уловчиси.

Командровский Виктор Михайлович — Тошкент шаҳар телефон тармоқлари электр монтёри.

Король Владимир Викторович — «Межгорсвязьстрой» трести қурилиш-монтаж бошқармаси машинисти.

Красюков Василий Илларионович—Тошкент «Промсвязь» тажриба заводи слесари.

Қулаҳмедов Ҳасан Солижонович — Тошкент шаҳар телефон тармоқлари электр монтёри.

Сало Мария Филипповна — 1-«Узбексвязьстрой» трести Тошкент ихтисослашган алоқа қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Отауллаев Абдуғани Ғуломович — «Союзтелефонстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси алоқа кабель монтажчиси.

Ғопурова Накия Ғаязовна — Чилонзор алоқа узели почтальони.

Жабборов Абдуқодирхўжа — Киров алоқа узели почтальони.

Жўрабоева Маҳмуда Абдумажидовна — республика шаҳарлараро телефон станцияси телефончиси.

Иванова Юлия Алексеевна — «Межгорсвязьстрой» трести 4-қурилиш-монтаж бошқармаси инженери.

Мирабзалов Миралим Мирганиевич — Тошкент темирйўли ҳузуридаги поттампти алоқа оператори.

Мирҳўжаева Замира Бориевна — Куйбишев алоқа узели телеграфчиси.

Мусин Олег Маҳмудович — СССР Алоқа министрлиги 2-Давлат иттифоқ лойиҳалаш институти группа раҳбари.

Нажмиддинов Жалол Насриддинович — Тошкент темирйўли ҳузуридаги почтампти проводниги.

Пўлатов Тожиддин Зияевич — «Узгипросвязь» институти бўлим бошлиғи.

Сазонов Алексей Семёнович — республика шаҳарлараро телефон станцияси электромонтёри.

Тюрин Александр Васильевич — «Союзтелефонстрой» трести қурилиш монтаж бошқармаси алоқа улаш монтажчиси.

Файзиев Нажмиддин Шамсуддинович — республика алоқа узели ишчиси.

Чернецова Лидия Сергеевна — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги бўлим бошлиғи.

Шарипова Ҳимоят—Тошкент алоқа электротехника институти доценти.

Шевченко Владимир Георгиевич — 10-шаҳарлараро алоқа ва телевидение бошқармаси территориал марказ автомобиль ҳайдовчиси.

Шукина Валентина Ивановна — ҳаво линиялари орқали почта ташиш Тошкент бўлинмаси смена бошлиғи.

Чичка Анна Александровна — «Союзпечать» Киров район агентлиги киоскачиси.

Яковлев Владимир Васильевич — Тошкент алоқа электротехника институти доценти.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ахролова Ойпўлат — Акмал Икромов алоқа узели почтальони.

Голикова Анна Ивановна — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги бўлим бошлиғи.

Горюшкина Александра Петровна — «Союзпечать» Фрунзе район агентлиги сараловчиси.

Давронов Тожибой — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги корхона группаси бошлиғи.

Зарипова Лола Ҳакимовна — республика шаҳарлараро телефон станцияси телефончиси.

Ибрагимов Туроп — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги корхона группаси бошлиғи.

Казакова Саида Сигбатуллаевна — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги бошқармаси бошлиғи.

Қаюмова Нортожи Тешабоевна — Тошкент телеграфи телеграфчилари бригадири.

Қувақов Тўра — Тошкент шаҳар радио трансляция алоқа узели электр монтёри.

Муҳамаджонов Ўлмас Алимович — Тошкент алоқа электротехника институти дурадгорлик устахонаси мудири.

Нодирова Дония Муҳамаджоновна — республика радиоэшиттириш, радио алоқа ва телевидение узели электр монтёри.

Нурматов Шермат — Тошкент телеграфи электр монтёри.

Петюкова Роза Васильевна — Фрунзе алоқа узели оператори.

Протасова Любовь Поликарповна — Чилонзор алоқа узели почтальони.

Рафиқов Ҳалил Абдуҳабарович — ҳаво линиялари орқали почта ташиш Тошкент бўлинмаси сараловчиси.

Савельева Любовь Михайловна — Сергели алоқа узели почтальони.

Саидова Шоира Султоновна — республика ахборот ҳисоблаш маркази оператори.

Ҳусанбоева Ҳолида — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги корхонаси бўлим бошлиғи.

Шоҳакимов Шоакром — Сергели алоқа узели оператори.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1981 йил, 2 апрель.

«Госкомсельхозтехника»га қарашли Тошкент тажриба ремонт-механика заводининг ишчилари бу йил республикамиз колхоз ва совхозларига 7500 трактор двигателларини ҳамда бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик механизмларини сифатли ремонт қилиб бериш мажбуриятини олганлар. Айни пайтда завод илғорлари мажбуриятни шараф билан бажариш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Суратда: мотор цехининг илғор ремонтчилари В. Козловский ва С. Сайдуллаев иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ СОБИҚ РАИСИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ТУРОБ НОРМУҲАМЕДОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

НОМИ АБАДИЙ...

КУНДА бир яшнаб, кўкка бўй чўзаётган карам ва помидор кўчатлари баҳор шамоли оғушида майин тебранади. Гектарлар тўлиқ, экинлар ривожи яхши. Бу ҳозирданоқ кўтарилажак хирмоннинг баракали бўлишидан далолат бериб турипти.

Экинлар ривожини кўздан кечираётган ёш бригада бошлиғи Рустам Нормуҳамедов ҳаёлини колхоз бош агрономи, тажрибали деҳқон Фозил Знёмуҳамедов бўлди.

— Баракалла, Рустам, отангга тортдинг, мана шу ишларингни улар кўргандами, қанчалар севинган бўлар эди...

Бош агроном бугун ёш бригадирнинг отасини — колхознинг собиқ раиси, моҳир ташкилотчи ва уста деҳқон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Туроб Нормуҳамедовни бежиз эсга олгани йўқ. Бугун у туғилганига етмиш йил тўлди.

Туроб Нормуҳамедов, асли шу колхоздан бўлиб, тузеллик эди. 1930 йилдан — хўжалик ташкил этилган дастлабки кунлардан бошлаб у шу колхозда ишлади, бригадирлик қилди. Хўжалик партия ташкилотига секретарь бўлди. Бу лавозимларда у меҳнатни тўғри ташкил қила олиш қобилиятини кўрсатди. Шунинг учун ҳам 1946 йилда ҳамқишлоқлари Туроб Нормуҳамедовни анча зиҳнлашиб қолган хўжаликка раис қилиб сайладилар.

Колхоз аста-секин юксала бошлади. Янги раис ўзининг хушмуомалалилиги, тадбиркорлиги билан одамларни руҳлантирди. Уларни ибратли ишларга отлантирди. Давлатга сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш йиллик планлари анча ошиғи билан адо этилди. Деҳқонларнинг йиллик даромади 5 миллион 125 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир меҳнат кунига эски ҳисобда 41 сўм 30 тийиндан ҳақ тўланди.

Раис эришилган ютуқлардан эсланкирамади. Аксинча, ҳар бир соҳада синчковлик билан иш олиб борди, изланди. Илғор тажрибаларга таянди.

Тажрибали раис Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, боғбон Ризамат ота Мусамуҳамедов билан ҳамкорликда қаровсиз қолган ерларни ўзлаштириб, боғ ва токзорлар ҳосил қилиш планини ишлаб чиқди. Шунингдек, теп аликларда ҳандақ қазилиб, ойнаванд ромлар билан ёпилди. Шундай қилиб, дастлабки табиий парниклар вужудга келди. Бу ерда қишнинг қаҳратон кунларида ҳам мева етиштирила бошланди. Субтропик ўсимликлар республикамиз иқлим шароитига мослаштирилди.

Яхши ташаббус қанот қоқди. Бугунги кунда Тошкент халқа йўлидан ўтаётган кишининг кўзи кузонади. Ён-атрофдаги поёнсиз боғлар собиқ раис ташаббуси билан барпо этилган. Мана бир неча йилдирки, бу ерлардан ширин-шакар мевалар йиғиштириб олинаётир.

Ленин номли колхознинг лимонларини айтмайсизми!! Республикамиз шароитида ўсадиган цитрус ўсимлигининг янги навлари аллақачоноқ шуҳрат қозонган. Машҳур селекционер Зайниддин Фахриддинов яратган йирик ва мазали лимонлар қишин-ёзин ҳосил қилади.

— Лимончиликка асос солган устозимиз Туроб Нормуҳамедов бўладилар, — дейди Зайниддин ака, — биз шогирдлар улар бошлаб берган ишни давом эттириб келмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ленин номли колхоз ёдгорлик дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган:

«Колхознинг собиқ раиси, унутилмас, сира ўлмас Туроб ака ҳалол ва фидокорона меҳнати билан, ноёб ақли ва билими билан танилди. Колхознинг шуҳратини оламга ёйди».

Дарҳақиқат шундай. Колхоздаги кўчаларнинг бири унинг номи билан аталади, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ордени, кўш Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Туроб Нормуҳамедов номини ҳамқишлоқлари ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг сифат назоратчиси Гуля Сулаймонова ўз ишининг моҳир устаси сифатида коллективда яхши таниш. У ҳар сменада пландаги 8,5 минг ўрнига 10 минг метр газламани назоратдан ўтказади. Суратда; Г. Сулаймонова иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

МАЛАКА ОШИРДИЛАР

ЯҚИНДА СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактабида Иттифоқимиздаги шаҳар ва район ички ишлар органлари бошлиқларининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари малакасини ошириш йиғинлари бўлиб ўтди.

Мазкур йиғинлар КПСС XXVI съезди ҳужжатларини, съездда ўртоқ Л. И. Брежнев докладидан келиб чиқадиган вазифаларни ўрганишга бағишланди.

Шаҳар ва район ички ишлар бўлимларининг раҳбар сиёсий ходимлари съезд қарорлари асосида идеология ишини қайта қуриш йўлларини муҳокама қилдилар, партия Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш борасида тўпланган илғор тажрибаларни ўртоқлашдилар.

Тингловчилар учун малакали мутахассислар бир қатор лекциялар ўқидилар. Семинар ва амалий машғулотлар ташкил этилди. Уларда совет давлат ҳуқуқи назарияси, сиёсий-тарбиявий ишларда психология ва методика масалалари, ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш проблемалари юзасидан фикр алмашинди.

Тингловчилар В. И. Ленин Марказий музейи, Тошкент филиалида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг делегати, «Тешсельмаш» заводининг бригада бошлиғи Ю. И. Степаненко билан учрашдилар.

Йиғинларда СССР Ички ишлар министрлиги сиёсий-тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғининг кадрлар бўйича ёрдамчиси, милиция полковниги В. М. Жидков, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги сиёсий-тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Э. З. Маншетова, Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси сиёсий-тарбиявий ишлар бўлимининг бошлиғи М. П. Иванов ва бошқа ўртоқларнинг сухбатлари ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Йиғинларнинг қатнашчилари Собир Раҳимов, Оржоникидзе ва Калинин район ижроия комитетлари ички ишлар бўлимларида съезд қарорларини тарғиб қилиш ва уни амалга ошириш соҳасида қилинаётган ишлар билан атрофлича танишдилар.

Тингловчилар ҳузурида В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети кафедрасининг мудири, философия фанлари доктори, профессор И. М. Жабборов «Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари ва анъаналари», ТошДУ доценти, тарих фанлари кандидати В. У. Юсупов «КПСС XXVI съезди қарорлари ва идеология иши масалалари», республика «Билим» жамияти аъзоси А. В. Зусман «Халқаро аҳвол тўғрисида» лекциялар билан чиқдилар.

Тингловчилар Тошкент, Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари бўйлаб экскурсия қилдилар, республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Совет Ўзбекистони милициясининг жанговар ва революцион шуҳрати музейини, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи музейини, Ўзбекистон халқлари тарихи, СССР халқлари дўстлиги ва Ўзбекистон халқ амалий санъати музейларини бориб кўрдилар.

Мамлакатимиздаги шаҳар ва район ички ишлар бўлимларининг раҳбар сиёсий ходимлари бир ярим ой давом этган йиғинлар вақтида назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаган, съезд қарорлари асосида жамоат тартибини сақлаш соҳасида амалий йўл-йўриқлар билан қуролланган ҳолда иш жойларига жўнаб кетдилар.

Р. ҲОШИМОВ,
ички ишлар хизмати подполковниги.

НАЗОРАТНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

Кеча область халқ контроли комитетида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда пойтахт области ва Тошкент шаҳри халқ контроли шаҳар ҳамда район комитетларининг раислари қатнашдилар. Область халқ контроли комитетининг раиси ўртоқ Б. С. Камолов КПСС Марказий Комитетининг назоратнинг таъсирчанлигини ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш юзасидан халқ контроли органларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари С. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов қатнашди.

ОБЛАСТЬ ҚАСАБА СОЮЗ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

15 майда область касаба союз-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браиловнинг «КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съезди қарорлари асосида Тошкент область корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида меҳнат қонунчилигига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш бўйича касаба союз ва хўжалик ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» докладнини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов сўзлади.

(Йиғилиш ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

МЕҲНАТНИНГ БРИГАДА УСУЛИГА КЕНГ ИЎЛ

САМАРАСИ ЯХШИ, СИФАТИ АЪЛО

КПСС XXVI съезди қарорларида меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формаси ўн биринчи беш йилликда асосий форма бўлиб қолиши таъкидлаб ўтилди. Чунки, бу усулнинг афзалликлари кўп эканлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда бирлашмамизда меҳнатни ташкил этишнинг бу формасини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда корхонамизда ўз сафига 1,5 мингдан ортиқ асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларини бирлаштирган бригадалар ишлаб турибди. Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун, усулида ишлаётган бундай коллективларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхши бўлмоқда. Уларда меҳнат интизоми мустаҳкамланиб борляпти, ишчилар ўз малакаларини ошириб бормоқдалар, мураббийлик ҳаракати авж олаяпти. Чунки, бригаданинг иш натижаси унга аъзо бўлган ҳар бир ишчининг меҳнатига ҳам боғлиқ. Агар шу ишчи технологиянинг у ёки бу жараёнида хатога йўл қўйса, у умуман бригада фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай бригадаларда қўшимча касбларни ўрганиш, маҳоратни ошириш зарурат бўлиб қолди.

Бирлашмамизда ҳар бир бригаданинг келгуси ойда қиладиган иш ҳажми икки ҳафта илгари маълум қилинади. План бригада аъзолари ўртасида муҳокама этилади. Ишчилар ўз имкониятларни ва резервларини ҳисобга олиб, кўпинча топшириқнинг оширилиши ҳақида таклиф киритмоқдалар. Агар бригада планни бажариш учун қўшимча материаллар ва асбоблар керак бўлса, бу талабни бўлинманинг катта мастери ёки группа ишлаб чиқариш мастери олдига қўяди. Бригада кенгаши ва бригадирлар кенгаши ҳам ишлаб чиқариш учун янгилик бўлди. Бу кенгашлар меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаси жорий қилингач юзага келди.

Бригадалар составидаги ишчилар сони ҳар хил. Бирида камроқ, иккинчисида кўпроқ. Бу ишлаб чиқаришнинг хусусиятига боғлиқ. Лекин, у қандай бўлишидан қатъий назар бригадирга нисбатан катта талаблар қўйилмоқда. У экономика, планлаштириш, меҳнатни илмий уюштириш, социал психология асосларини билиши, меҳнат ҳақидаги қонунлардан хабардор бўлиши керак. Албатта, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш янги формасининг барча «нозик» томонларини пухта билмоғи даркор.

Шунинг учун ҳам бирлашмамизда бригадирларнинг билими, малака ва маҳоратини оширишга катта аҳамият билан қаралмоқда. Шу мақсадда махсус доимий курслар ташкил этилган. Бу курсларда бригадирлар ва хизмат раҳбарлари пухта тузилган программа асосида таълим оладилар.

Бундан ташқари улар техника таълими бўлимининг ўқув марказида ҳам ишлаб чиқариш янгиликларидан хабардор қилинмоқда. Бу марказда 363 бригадир ва цех хизматлари бошлиқларидан 237 киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқитилди.

1981 йилда бригадирлар ва уларнинг резервларини ўқитиш ишлари янада кенгайтирилади. Бундай категория ходимларини тайёрлаш учун махсус программа ишлаб чиқилди. Бу программанинг бригадани бошқаришнинг социал-психологик асослари, социалистик мусобақани ташкил этиш, мураббийлик бўйича бўлимлари ҳам бор. Юридик бюро мутахассислари меҳнат қонуниятлари масалаларини тушунтириб берадилар. Ўқувнинг бу формаси ижобий натижалар бермоқда. Унда таълим олган бригадирлар раҳбарлик қилаётган коллективлар ютуқлари самарали бўляпти.

Бирлашмамиз 25-цехининг Валерий Киящченко раҳбарлик қилаётган бригадаси фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Бригадирнинг ўзи «Меҳнат унумдорлигини ошириш, беш йиллик топширигини 3,5 йилда бажарамиз!» шиори остида бошланган ҳаракат ташаббускоридир. Бу бригадада меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошиб боряпти. Ў 135 процентни ташкил этди. Иш ҳақи эса 28 процент ортди. Меҳнат сифати ҳам анча яхшиланди. Бригадир ўз ташаббуси билан ўқувнинг биринчи ва иккинчи циклларини машғулотларида иштирок этиб, назарий билимини анча бойитди.

Аҳмаджон Бобожонов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ҳам унумли ишлашда кўпчиликка намуна бўлмоқда. Бригада кислород ва санитария-техника асбоб-ускуналари бўйича монтаж, синаш, созлаш ишларини амалга оширадилар. Бу мураккаб ва масъулиятли иш. Ҳар бир ишчидан юксак маҳорат ва техник билимни талаб этади. «Барча йиғиш ва монтаж ишларига — комсомол кафолоти!» — комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларининг шиори шундай.

Коллектив бригада пудратини қўлланаётганлиги учун катта меҳнат зафарларига эришмоқда. Меҳнат унумдорлиги 10 процент ошди. Ўнинчи беш йиллик топшириқлари муддатидан илгари бажарилди. Корхонамизнинг техника ахбороти бўлими бригаданинг иш тажрибасини умумлаштирди ва бошқа коллективлар ўртасида кенг ёйди. Ҳозирги вақтда асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларидаги юзлаб бригадалар А. Бобожонов раҳбарлигидаги коллектив усули асосида ишламоқдалар.

Меҳнатни бригада асосида ташкил этиш айни вақтда уни илмий уюштиришни кенгайтиришни тақозо этди. Иш жойларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, меҳнатни тўғри тақсимлаш, илғор иш усулларини жорий қилиш, меҳнатни нормалаш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш ва бошқа шу каби тадбирларни амалга ошириш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва планлаштириш ҳам бригада усулига мослаб такомиллаштирилмоқда.

Бу анча мураккаб вазифа. Зарур бўлган жойларда асбоб-ускуналарни қайтадан ўрнатиш, цехлар ва ишлаб чиқариш участкаларини ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, план ва ҳисобот ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, бригадалар ўртасида таъсирчан социалистик мусобақани йўлга қўйиш, бундай меҳнат беллашувларини цехлар ичида ҳам, етказиб берувчи ва истеъмол қилувчи цехлар ўртасида ҳам йўлга қўйишни талаб этди. Меҳнатни бригада формасида ташкил этишнинг техникавий лойиҳалари ана шу масалаларни ҳам ҳал қилишга ёрдам бермоқда. Фақатгина 1980 йилда меҳнатни ташкил этишнинг илмий усулларини қўлланиш бўйича кўрилган чоралар комплекси 771 минг сўмлик иқтисодий самара келтирди.

Ҳозирги вақтда бригадаларни технологик занжир бўйича ташкил этишнинг техникавий лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бунда бригадаларнинг иш жойларини қайта планлаштириш, бригада комплектлари ва бригада хизмат кўрсатадиган зоналар ташкил этиш, бригадаларнинг меҳнат паспортларини тўлдириш назарда тутилмоқда. Бригада ишининг иқтисодий самарадорлигини ўн кунликлар ва ой давомида ҳисобга олишдаги иборат янги усул ҳам жорий қилинмоқда. Бирлашмамизда бригада куни ҳам ўтказиладиган бўлди. Ҳар ҳафтанинг пайшанбаси шундай кун ҳисобланади. Шу куни бригада бўйича цех штабларида бу илғор усулни ёйиш ва такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилади.

Ҳозирги вақтда бирлашма бўйича бригадирлар кенгаши тузишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бригада ҳар бир аъзосининг меҳнат улушини ҳисобга оладиган табель ишлаб чиқилмоқда ва жорий қилинаяпти.

Бирлашмамиз ишчи-хизматчилари меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини кенг жорий қилиш, корхонада туғилган ажойиб ташаббусларни ёйиш ўн биринчи беш йилликда янада яхшироқ ишлаш, завод маркаси шуҳратини тағин ҳам ошириш, она-Ватанни меҳнатда катта-катта ютуқлар билан ҳушнуд этиш имконини беради, деб қатъий ишонмоқдалар.

Б. ГЛОБИНА,
Б. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида.

СЎЗ — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ «МУХБИРЛАР ПОСТИ» АЪЗОЛАРИГА

Кейинги вақтларда областимизнинг кўпгина шаҳар ва районларида «Тошкент ҳақиқати» ишчи — қишлоқ мухбирлари постлари янгиланди. Бу постларнинг аъзолари газетага йўллаётган ўз хат, хабарларида, тематик мақолаларида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш, ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишларни, меҳнат коллективларидаги жўшқин фаолиятни, жойлардаги хилма-хил янгиликларни баён этмоқдалар.

Қуйида «Тошкент ҳақиқати»нинг Калинин районида янгидан ташкил этилган мухбирлар пости аъзолари уюштириб юборган дастлабки материалларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Калинин районидаги Калинин номли колхоз деҳқонлари КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун бу йил сабзавот маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан ошириллган мажбуриятлар қабул қилганлар. Шу кунларда улар аҳоли дастурхонига эртаги сабзавот маҳсулотлари тор тиқ қилишни бошлаб юборганлар. Шу билан бир қаторда ўртаки ва кечки экинлар пар варишн ҳам қизғин олиб борилмоқда. Суратда: дала иш ларида намуна кўрсатаётган колхоз аъзоларидан Муҳайё Одилова ва Муҳаббат Йўлдо шевалар.

М. Даминов фотоси.

БУҒДОЙЗОР

Белоён буғдойзор шовуллар,
Куйлашиб тириклик қўшиғин.
Бағрида лолалар ловуллар,
Симириб қуёшнинг ишқ-меҳрин.
Белоён қир, адир буғдойзор,
Қувнайди, боққанинг кўзи.
Бугунги бу яшил гиёҳлар,
Эртанги куримиз ризқ-рўзи.
Буғдойзор олтиндай товланар,
Бошоқлар тўлади дон бўлиб.
Бир кун кириб борар хонадонимга
Сўлқиллаган ширмой нон бўлиб.

Саломат НИШОНОВА.

ОНАЛАРГА

Сизга минг бор таъзим, Сизга эҳтиром,
Сизга сиғинаман, азиз, оналар.
Дилда Сизга қўёш мисол меҳрим бор,
У абад нур сочар, юлдуздек порлар.
Сиз шифокор, мингта дардга давосиз,
Инсонга қайтадан ҳаёт берасиз.
Сиз уста пахтакор, машина миниб,
Эртаю кеч ҳормай пахта терасиз.
Сиз устоз, қалбингиз билимларга кон,
Ёш авлод қўлига тутасиз уни.
Сиз уста деҳқонсиз, замин ошиғи,
Яйрайсиз пландар юз бўлган куни.
Шоира, олима, давлат арбоби,
О, не иш келмайди бу қўлингиздан...
Сиз борки, ҳаёт ҳам чароғон, порлоқ,
Гул, чечаклар унар ҳур изингиздан.
Онасиз, бардошли, ҳар ишга қодир,
Меҳрингиз туганмас дарён азим.
Шоирнинг кўксида иккала қўли,
Бир умр у Сизга қилади таъзим.

Жамила ХАРАСОВА.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР...

Яқинда районимизда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбирлар пости иш бошлади. Бизда матбуотнинг актив ёрдамчилари анчагина. Улар ишлаб чиқаришдаги вазифаларини муваффақиятли уддалаш билан бирга тез-тез газета ва журнал саҳифаларида ўз мақолаларини ҳам эълон қилиб турадилар. Биргина «Ленинчи» газетасининг юздан ортиқ ишчи-деҳқон мухбирлари бор.

Замондошларимизнинг бугунги фидокорона меҳнатини мадҳ этишда, ишлаб чиқариш новаторларининг янги ватанпарварлик ташаббусларини кенг қулоч ёйдиришда, ўқувчиларни янгиликлардан ўз вақтида хабардор қилиб туришда жойлардаги мухбирлар постлари журналистларга яқин кўмакдош бўлмоқдалар.

Шу ўринда Ленин қишлоқ Совети раисининг ўринбосари Х. Иброҳимов; ўқитувчи Обид Расулов, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, ёзувчи Бали Ғафуров ва бошқа кўплаб жамоатчи мухбирларимизнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтмоқчимиз. Улар газета саҳифаларидаги доимий рубрикаларимиз — остида берилаётган кўплаб мақолаларнинг муаллифларидир.

Ўтган йили газетхонлардан 700 га яқин хат-хабар олган бўлсак, шу йилнинг беш ойи мобайнида келган хатлар 1000 тага етиб қолди. Бу хатлар асосида «Редакция почтасидан», «Редакцияга келган хатлардан», «Хатлар ва оммавий ишлар бўлимида», «Ишчи-қишлоқ мухбирлари хабар қиладилар» сингари рубрика ва умумий сарлавҳалар остида саҳифа ва падборкалар эълон қилиб боряпмиз.

«Тошкент ҳақиқати» газетасн мухбирлар пости ҳам район ҳаётидаги муҳим воқеаларни, эришилаётган муваффақиятларни кенг ёритишга, камчиликларни бартараф этишга киришди. Бу пост область газеталарининг ишончли таянчи бўлиб хизмат қилаяпти.

М. БОТИРОВ,
«Ленинчи», газетаси хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.

МАОРИФИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

ҲОРМАНГ, УСТОЗ!

Маҳмуд ака бугун одатдагидан ҳам барвақт туриб муздек сувда юз-қўлларини ювди. Теварак-атроф-га боқиб табиат гўзаллигига мафтун бўлди.

— Салом, адажон. Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан чин қалбдан табриклайман.

Маҳмуд ака ёнига қараб қўлида бир даста анвойи гуллар билан ўзи томон илдам қадам ташлаб келаётган қизи Маҳфузага мамнун боқди. Кўп ўтмай унинг 8 фарзанди, набиралари ҳам ўз падари бузрукворларини қутлуғ ёшн билан чин юракдан муборакбод этдилар.

60 йил. Махмуд ака Воҳидов ўзи босиб ўтган шонли йўлга чўқир назар ташлар экан, ўзининг ёшлиги, уруш давридаги қийинчилик йиллари кўз олдидан бирма-бир ўтди.

1921 йилда Эшонгузар қишлоғида оддий колхозчи оиласида дунёга келган Махмуд ака иккинчи жаҳон уруши қийинчиликларини ўз бошидан кечирди. Фронт орқасида туриб тинимсиз меҳнат қилди. 1946 йили Тошкент Давлат педагогика институтининг сиртқи тил ва адабиёт факультетига кириб, олий ўқув юртини муваффақиятли тугатди. 1951 йилдан бошлаб райондаги 14-ўрта мактабга тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишга келди.

Ишчан педагог бутун кучини ёш авлодга пухта билим беришга бағишлади. У 5—10-синфларда дарс берар экан, ўзбек адабиёти босиб ўтган йўл тарихини, тилимизнинг нозик, жарангдор оҳангини ўқувчиларга тўла етказиб беришга интилди. Талабаларнинг фикр — ёди, завқ-шавқини билимларни пухта эгаллашга ундади.

М. Воҳидов ўз малакасини ошириб боришга, устозларидан ўрганишга эринмади. Бу борада устозлари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ленин ордени кавалери Абдурахмон Олимов, Зокир ака Ортиқовларнинг тажрибаларини пишиқ-пуҳта ўрганди. Маҳмуд ака ҳозирги кунда ҳам ўз мураббийлари номларини иззат-икром билан тилга олади.

Партия ва ҳукуматимиз ишлаётган педагогнинг кўп йиллик меҳнатларини муносиб тақдирлади. Айни шу кунларда Маҳмуд аканинг кўксида «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун», «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнат ветерани» медаллари, «Халқ маорифи аълочиси» нишони порлаб турибди.

Яқинда 14-мактабнинг мажлислар залида Маҳмуд Воҳидов таваллудининг шонли 60 йиллигига бағишлаб тантанали кеча ўтказилди. Кечада моҳир педагогнинг шогирдлари, ҳамкасб дўстлари, кенг жамоатчилик қатнашиб, унга узоқ умр, бахт-саодат, келгуси ишларида янги ижодий парвозлар тиладилар.

Х. ШАРИПОВ.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

СЎЗ БЕРДИКМИ, БАЖАРАМИЗ

Кейинги йилларда совхозимизда чорва моллари маҳсулдорлиги тобора ортиб бормоқда. Шу туфайли фермамиз коллективи сут, гўшт етиштириш ва давлатга топширишни муттасил кўпайтирмоқдалар.

Областимиз илғор чорвадорлари КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун чорва маҳсулдорлигини ошириш, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш ва ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ажойиб ташаббусни бошлаб бердилар. Ташаббускорлар орасида устозим Турғуной Серикбоева ҳам борлиги мени, айниқса, қувонтирди.

Фермамизнинг барча согувчилари илғорлар ташаббусига қўшилганлар. Мен ҳам ташаббускорларга тенгдошларимга ҳаракат қилаётирман. Бу йил воқимимдаги 26 бош сигирнинг ҳар бириден 4 минг килограммдан серкаймоқ сут соғиб олиш мажбуриятини олдим.

Ўз сўзимнинг устидан чиқиш учун говмушларимни тўйимли ем-хашак билан боқяпман. Бунинг учун совхозимизда ҳамма шароит мавжуд. Озуқа экинларидан мўл ҳосил олинаётганлиги туфайли сигирларимизга рацион асосида тўйимли озуқа берилянти.

Ҳ. БЕКЖОНОВА,
«Қорасув» совхозининг сут соғувчиси.

КИНОМЕХАНИК

«Қорасув» совхозида салкам 20 йилдан бери киномеханиклик қилиб келаётган Т. Кубаев фильм танлашда доимо ишчилар талаб ва истагини назарга олади. Томошабинлар ундан келаси сафар «Инқилоб чавандози»ни олиб келишни таклиф қилган эдилар. Илтимос бажарилди.

Т. Кубаев ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент кинотехникумини тугатди. У иш жараёнида ҳамиша янгиликка интилади. Кино қаҳрамонлари ҳаётидаги моҳиятини ифодалайди. Мадагаскар миллий ахборот агентлиги — Таратра Совет Иттифоқи Африка Бирлиги Ташкилоти Африкани ядросиз зонага айлантириш ҳаракатлаганлигига юқори баҳо беради.

Л. И. Брежневнинг Африкадаги ажнабий ҳарбий базаларни тугатишга ва қитъани ядросиз зонага айлантиришга қилган даъвати мустақил Африка манфаатларига мос бўлиб тушади, дейди Зимбабве Республикасининг **Миллий радиоси.** СССР билан КХР ўртасида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, деб таъкидлайди **Зимбабве телевидениеси,** анъанавий дўстона Совет — Конго муносабатларини янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, ёш мустақил Африканинг дунёдаги халқаро салмоғини оширишга ёрдам беради.

(ТАСС, 14 май).

Чет эл Хабарлари

МУСТАҲКАМ, ИШОНЧЛИ АСОСДА

Туғалланган Совет — Конго музокараларини, СССР билан Конго Халқ Республикаси ўртасида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани халқаро жамоатчилик батафсил шарҳламоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев Кремлда знёфатда сўзлаган нутқи ҳамон дунёда зўр қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. Чет эл оммавий ахборот воситалари шуни таъкидламоқдаларки, Совет Иттифоқи тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқаро турмушнинг энг зарур проблемаларини амалий равишда ҳал этиш йўлларини қидириб топиш учун сабот билан курашмоқда, миллий озодлик ҳаракатларини, сиёсий ва социал тараққиёт йўлидан бораётган ёш давлатларни изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Кремлдаги Совет—Конго музокараларининг якунлари, СССР билан КХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Конго Халқ Республикаси оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди.

Москвада тузилган шартнома, деб уқтиради **Конго ахборот агентлиги,** СССР билан КХРнинг, КПСС билан Конго Меҳнат партиясининг дўстона алоқаларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб колади. Бу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, деб таъкидлайди агентлик, иккала мамлакат халқларининг миллий манфаатларига мос бўлиб тушади ва бутун дунёда тинчлик ишига хизмат қилади.

Конго телевидениеси СССР билан КХР ўртасида имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ҳамда КПСС билан КМП ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тарихий аҳамиятга молик воқеа деб атади.

Конго билан СССР бундан буён дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида иш тутадилар, деб ёзади Конгода чиқадиган «Матин» газетаси. Иккала мамлакат шу кундан эътиборан янги жўшқинлик ва янги кўлам касб этган самарали ҳамкорликнинг янги поғонасига кўтарилди. Муштарак мақсадлар бу ҳамкорликни енгиллаштиради, биз жуда кўп соҳаларда ядролмиз. Халқаро соҳада иккала мамлакатнинг сиёсати пролетар интернационализми билан, миллий-озодлик ҳаракатлари одилона ишини, ўз суверенитети учун курашаётган давлатларни доимо қўллаб-қувватлаш билан характерланади. Дунёдаги империалист кучлар ўз агрессивлигини кучайтираётган, гоҳ у, гоҳ бу ерда кескинлик зоналари вужудга келиб турган бир пайтда бундай шартномани фақат табриклаш мумкин.

Л. И. Брежнев Африка халқларига тинчлик, мустақиллик ва равнақ тилагандиги, деб ёзади Мадагаскардаги **«Имунгу вауау»** газетаси, шу халқларнинг эзгу орзу-умидларига мос бўлиб тушади. Бу сўзлар Совет Иттифоқининг

КЎП НУСХАДА

ПАРИЖ, 15 май. (ТАСС). Париждаги «Пергамон пресс франс» нашриёти француз тилида кўп нусхада чиқарган китоб «СССРнинг бугуни ва эртанги куни». «КПСС XXVI съезднинг ҳужжатлари» деб аталади. Бу китобга КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот доклади, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихоновнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» тўғрисидаги доклади, КПСС XXVI съезднинг бошқа ҳужжатлари, шунингдек СССР Конституциясининг тўла тексти кирган.

АДР ҲУКУМАТИНИНГ МАЖЛИСИ

КОБУЛ, 14 май. (ТАСС). Бу ерда Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош Министри Бабрак Кармал нутқ сўзлади. У афғон жамияти олдида ҳукумат аъзолари зиммасига юкланган голг катта масъулиятни уқтириб ўтди. Шу муносабат билан Б. Кармал давлат аппарати халқ ва мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиёти манфаатларига хизмат қилиши лозим эканлигини алоҳида таъкидлади.

АДР ҳукумати Афғонистон зиёлиларини бирлаштирган бир қанча ижодий союзларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида карорр Афғонистон меҳнаткаш халқининг фаровонлигини оширишга қаратилган бошқа бир қанча қарорлар қабул қилди.

РИМ ПАПАСИГА ҚИЛИНГАН СУИҚАСДГА ДОИР

РИМ, 14 май, (ТАСС). Италия полициясининг хабар беришича, Рим папасига суиқасд қилган киши турк фуқароси эканлиги маълум бўлди. У — Мехмод Али Агжа деган кимса бўлиб, янги фашист гуруҳининг аъзосидир. У сўл буржуа турк «Миллиёт» газетасининг бош муҳарририни ўлдиришда қатнашганлиги учун жазо муддатини ўтаётган Истанбул қамоқхонасидан 1979 йилда қочган. Бош муҳаррир ўнг экстремист ташкилот аъзоларининг қўлидан ҳалок бўлган эди.

Ватикан вакилининг айтишича, папа Иоан Павел II нинг соғлиғи беш соатлик хирургия операциясидан кейин дуруст. Папага террорчи отган тўртта ўқдан учтаси теккан. Бундан ташқари, икки аёл ҳам жароҳатланган.

Ё. МОРДУХАЕВ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

18—25 МАЙ

18 МАЙ
ДУШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Телевизион бадиий фильм. 11.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Меҳнатинг — иқболинг». 16.25 — Оналар мактаби. 16.55 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўрганишади. 17.40 — Регби бўйича Европа чемпионати. СССР — Руминия терма командалари. 18.25 — Оловли рейслар. Ҳужжатли фильм. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Беш йиллик ва коллектив. 20.00 — «Ёшлик қўшиқлари». 20.25 — Ҳаммаси тамом бўлди. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳаммаси тамом бўлди. (Давоми). 23.10 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Географиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Географиядан ўқув кўрсатуви. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00—«Ёшлик». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга. 22.30 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.40 — Музикали телефильм. 23.45 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Қизиқувчилар экрани. 19.10 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 19.30 — Биология. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — СССР халкларининг куйлари. 20.50 — Физика. 21.50 — Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати.

19 МАЙ
СЕШАНБА

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.20 — Фильм-спектакль. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — Концерт. 16.35 — Ҳужжатли фильм. 16.55 — Концерт. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 17.50 — Пионерлар VIII Бутуниттифоқ слётининг очилиши. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Телевизион викторина. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Динамо» (Мн). 23.45 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 16.45 — Кўрсатувлар программаси. 16.50 — Тошкент шаҳар мактаблари ўнг қанот дружиналарининг тантанали линейкаси. 17.45 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Тожикистон санъат усталарининг концерти.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Адабиёт. 19.10 — Концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Ёшлик». 20.50 — Назарий механика. 21.50 — Саҳий сув.

20 МАЙ
ЧОРШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.35 — Кувноқ стартлар. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Концерт. 16.45 — Рус тили. 17.15 — «Ровесник». 18.00 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Илмий-оммабоп фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 20.25 — Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Музикали фильм. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Ҳужжатли фильм.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Физика. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Физика. 13.00 — «Светофор». 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёш дуторчилар. 18.50 — «Интернационализм — бизнинг байроғимиз». 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мулоҳаза. Муҳокама. Мунозара. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 —Время. 22.05 — Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари адабий кисмининг очилишига бағишланган тантанали кеча.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Биология. 19.30 — Авлодлар биографияси. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Олий математика. 21.20 — Ҳужжатли фильм.

21 МАЙ
ПАЙШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Концерт. 10.50 — Бадиий фильм. 11.55 — Концерт. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Фильм-концерт. 16.45 — Шахмат мактаби. 17.15 — Болгария маданияти кунларига. 17.45 — Миллионлар ленинча университети. 18.15 — Москва шаҳар пионерлари ва VIII Бутуниттифоқ пионерлар слёти делегатларининг тантанали йиғилиши. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Фан оламида. 20.05 — Концерт. 20.15 — Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз чеҳраси. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Велосипед бўйича жаҳон пойгаси.

ЎзТВ-I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Тожикистон рассомлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Бадиий фильм. 00.05 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — «Мўъжиза қовоқ». 19.10 — Реклама. 19.30 — «Ёшлик». 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Бунёдкорлик уфқлари. 20.50 — Физика.

22 МАЙ
ЖУМА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — «Дузнья». Телевизион бадиий фильм. 11.35 — Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 12.05 — Ёшлар ижоди. 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқда оддий иш кунлари. Кинопрограмма. 15.50 — Урал баянчилар трио си чалади. 16.15 — Финляндия Компартияси XIX съезднинг очилишига. «Финляндия бўйлаб». Кинопрограмма. 16.35 — Концерт. 17.20 — Москва ва москвликлар. 17.50 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Телевизион журнал. 20.05 — Халқ оҳанглари. 20.20 — «Имеретинча никоҳ». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.30 — Театр ва давр. КПСС XXVI съездига бағишланган спектаклларнинг Бутуниттифоқ кўриги ҳақида. 23.35 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Санъат ғунчалари. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Кўғирчоқ фильм. 18.10 — Ешлик студияси кўрсатади. 18.40 — Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва республика Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Биз — Руставиданмиз. Музикали телефильм. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Қайрат» (Олмаота). Танаффус пайтида Ахборот. 21.10 — Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш. 21.30 — Время. 22.30— Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. «Дўстларимиз киносанъати». 23.40 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТБ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Абитуриентлар учун. 19.30 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Абитуриентлар учун.

23 МАЙ
ШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 10.20 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 10.50 — Телевизион клуб. 12.20 — «Спортлотоннинг 21-тиражи. 12.30 — Концерт. 14.15 — Отаоналар, сизлар учун. 14.45 — Камалак. Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV халқаро фестивали, Финляндия. 15.20 — Дунё воқеалари. 15.35 — Мультфильм. 15.55 — «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 16.55 — Пионерлар VIII Бутуниттифоқ слётининг ёпилиши. Санъат усталари болаларга. Концерт. 17.55 — Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. 18.40 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 19.10 — Уша кунлар ҳаёли билан. Фильм-концерт. 19.40 — Пиренеялар ортида. Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.30 — Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва республика Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Концерт. 21.30— Время. 22.15 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Тбилиси). 23.45 — Янгиликлар.

Ўз ТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан сўз келар. 10.30 — Навбатдан ташқари ўйин. Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 11.30 — Сиқат-саломатлик. Илмий-оммабоп программа. 12.00 — Отни ким эгарлайди. Бадиий фильм. 13.10 — Концерт. 14.10 — Шахмат мактаби. 14.40 — Ешлик студияси кўрсатади. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильмлар. 18.45 — Ўзбекистонда Тожикистон ССР адбиёти ва санъати кунлари. Шоирлар болаларга. Миршакар. 19.15 — Ҳужжатли фильм премьераси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. Киносаёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Анонс, анонс...! Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг солисти Н. Нурмуҳамедова иштирокида эстрада программаси. 21.30 — Время. 22.15 — Қишлоқ хўжалиги — тажриба ва проблемалар. 22.40 — Марҳабо Май. Музикали программа. 23.40 — Кўрсатувлар программаси.

24 МАЙ
ЯКШАНБА

МТ «ВОСТОК»

9.00 — «Время». 10.10 — Будильник. 10.40 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.40 — «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.25 — Тонгги почта. 13.00 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 — «Музикали киоск». 14.30 — «Хонума» фильм-спектакль. 16.50 — «Киносаёҳатчилар клуби». 17.50 — Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. 18.30 — «Халқаро панорама». 19.15 — Чегарачилар кунига. «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 23.50 — Янгиликлар.

ЎзТВ

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Рақс оламида». 11.20 — «Мультипанорама». 12.00 — «Кувноқ стартлар». 13.00 — «Совет киноси усталари». Юрий Никулин. 14.00 — «Инсон ва қонун». 14.30 — Енгил атлетика. кўп кураши бўйича СССР кубогининг ярим финали. 15.00 — «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 15.30 — «Ўзбекистон спортиг». 16.00 — Реклама. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — «Ўйлаб топ». 19.00 — «Ўзбекистон гиламлари ва сўзаналари». 19.30 —Ахборот (рус.). 19.45 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — Москва. «Время». 22.05 — «Пилла бойлигимиз». 22.15 — Музикали программа. 2-бўлим (такрорий). 00.10 — Кўрсатувлар программаси.

Мирсаид МИРШАКАР

ТОҒ ҚАЗУВЧИГА

Ганч мардларин сарвари дейман,
Жасоратли азмингни кўриб!
Келажакнинг заргари дейман,
Нигоҳингдан яшнар, барқ уриб.

ЯНГИ КУН

Тун охирлаб, мовий осмонда,
Тонг юлдузи чарақлар ёрқин,
Уйғонаман, юрак илҳомда,
Кўк кўркига қарайман сокин.
Ҳар тонг порлаб илҳом юлдузим,
Қувонч йўллаб, дейди марҳабо.
Келтиради шодлик янги кун,
Турнинг дейди оҳиста сабо.
Туриб ҳар тонг янги кунни мен,
Диёримга «марҳамат» дейман.
Жўш уради қалбимда илҳом,
Куйларимга сен зийнат дейман.
Келиб азиз она элимга,
Гул-гул яшнаб порлаб кетасан.
Янги кунга кўркингни бериб,
Сўнг ўзингни пинҳон этасан.

ДИЛ—ОРЗУ ЖАҲОНИ

Дил ўлмайди...
Мендан сўнг ҳам ўлмайди дилим,
Умри-боқий унинг,
Ҳаёт осмонида порлаган ёғду.
Мўътабар қалбларга ҳамнафас дилим.
Эзгуликни этган умид уйи у.
Ошиқлар сирдоши, дилларнинг дилбари,
Дарду шодлигимиз жаҳони кўнгил.
Орзумга қаноту, жисмимга жондир,
Интилур олдинга доимо кўнгил.
Изланиш унинг-чун эзгу-жаҳондир.
Бу йўлда ҳаётбахш, жонфидо кўнгил!

НАЗАРМАТ таржимаси.

Э Й, В А Т А Н

ГУЛРУХСОР,
Бутуниттифоқ ва Тожикистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Калб ўтим, ишқим, умидим сен билан ҳамдам эрур,
Эй, Ватан мавжудлигингдан бу қизинг ҳуррам эрур,
Сен каби ободу улкан мангу гулшан умрини
Яшнатай деб сарфлаганда не умрлар кам эрур.
Хизматингда ўтсин умрим—ёлгиз армоним шудир,
Гарчи инсон умри умрнинг олдида бир дам эрур!

* * *

Ким айтурки бу умрим мулкида ҳар кун эрур байрам,
Ва ҳар кун остонамга сочиб гул, йўқлагай бахт ҳам?
Бугун бошимга омад тожини кийдирса гар иқбол,
Кўзимни ёшлаб эртан кун, ҳаёт сабримни этгай лол,
Қувончдан йиғлатиб гоҳи, гоҳи кулдургуси ғамдан!
Гоҳи милтиллаган ҳийра узоқ сайёра нуриман,
Гоҳи кўзни қамаштирган сеҳрли гулхан умриман.
Баҳорнинг сабзасидурман, ҳазон ялпоғиман гоҳи,
Гоҳи — лаҳза, асрман гоҳ, дили туғёнли одамман.

Ойдин ҲОЖИЕВА таржимаси.

Ҳожи СОДИҚ

ПАРИШОНХОТИРЛИК

(ҲАЖВИЯ)

Дарди бедаво экан бу — паришонхотирлик. Унга на дори-дармон, на сабру тоқат фойда қиларкан. Даволатишга мажбур бўлдим.

— Иложи бўлса шовқин-суронли четроқда дам олинг, — маслаҳат беришди ҳакиму ҳозиқлар, — маишат ҳам эсдан чиқмасин. Дарахт ҳам сувсиз ва ўғитсиз гулламайди, машина ҳам мойсиз — икки арава темир-терсак. Касалликни куч-қувват енгади. Дармонингиз бўлмаса баттар бўлаверасиз. Оз-оздан бўлсада ҳар куни тўрт марта овқатланинг, лекин ўз вақтида. Сервитамин овқатларга алоҳида эътибор беринг. Шуни унутмангки, одам учун энг қимматлиси — саломатлик.

Хўп, дедим, ҳеч нима эмас экан-ку! Бундан кейин хилват бир хонада фақат маишат қиламизда. Сал кам уч ойча қоронғи ва салқин хонада қамалиб ётдим, тўғриси маишат қилдим. Янгангиз ошхонани ижарага олди. У овқат денг? Нонуштага тухум қовурдоқ, икки соатдан кейин мастава, тушлиқда қозон кабоб ва юзтатина «култамицин». Шундан кейин соя-салқинда икки-уч соат ором оламан-у, кечликда барака топқур янгангиз тайёрлаган паловхонтўра гумбази атрофида енг шимариб, ёнбош тушаман. Лекин маишатли кунлар жуда қисқа бўларкан. Уч ой дегани назаримда бир ҳафтадай ўтди-кетди. Хўп, дедим, худонинг куни кўп, яна уч-тўрт ойгина маишат қилиб, ўзимга келиб олсам, нима бўлибди?!

Бир куни янгангиз:

— Баъзан ўрнингиздан туриб, бироз юрсангиз ҳам катта фойда қилади! — деди.

— Хўп, жоним, — дедим, — албатта, сен бир нимани билсанг керак. Эртадан бошлаймиз-да юришни.

Ҳар куни шу хил ваъда берардим-у, эртасига эсдан чиқарардим. Қизиги шундаки, то овқат егунча эсимда турарди, маишатдан кейин бир пиёла қаҳрабодек чойни, симирардим-у пинакка кетардим. Янгангиз бўлса қайта-қайта мажбур қиларди:

— Кўл-бетингизни ювиб, аввал ҳовли атрофини бир айланиб келинг, кейин овқатга ўтирасиз.

Ўша куни ярим йўлгача бордим, эртасига бу ҳам эсимдан чиқди.

— Югур-югурдан оёгимда-оёқ қолмади, — дея шикоят қилди бир куни янгангиз.

— Бу хил югур-югур нимага керак, жоним? Кел, ўзинг ҳам бир пас ёнимда ўтир, бироз ором ол. Иш бўлса қочиб кетмас! — дея меҳрибонлик кўрсатдим.

— Бу маишатнад осмондан тушадими? — Ноз-неъмат тўла дастурхонга ишора қилди хотиним, — Бунинг ҳаммаси учун югуриб-елиш керак. Пул олиш керак, бозор-ўчарга чопиш керак. Харид қилмасангиз бунинг азобини қаердан биласиз? Кошки бошқаларнинг эрларидек у-бу ишимга кўмаклашсангиз. Сал-пал қимирлаш ҳам керак-да, ахир! Қачонгача маишат қилиб, хуррак отиб ётасиз?

— Хўп, жонгинам, — дедим тавозе билан, — қанча хизмат бўлса мана: биз тайёр! Қани, нима иш қилай? Қанақа иш бўлсаям, тортинмасдан буюравер, жоним. Энди ўзимни жуда яхши ҳис этаяпман. Барча дардларнинг давосига калит-маишат экан. Ана, аллақачон паришонхотирликни ҳам эсдан чиқариб кўйдим. Эрталаб ҳовли атрофини биринчи марта айланиб чиқдим. Ҳатто, нонуштага нима овқат еганим ҳам шундай эсимда турибди.

— Ундай бўлса, жуда яхши, — хурсанд бўлди хотиним, — ҳу, анови челакни олиб ҳовли юзига сув сепинг. Кейин ана-ву супургини олиб...

— Тушунарли, жонгинам, — унинг гапини бўлдим. Лекин ҳовли юзини ярим соат айланиб на челакни топдим, на супургини.

— Ҳовли ўртасида симёғочнинг кераги йўқ эди-ку, нега қаққайиб турибсиз? — кесатди хотиним.

— Ахир челак, супурги...

— Ўзингиз кўрардингиз-ку, доимо каравотнинг остига қўярдим. Ёки кўзингиз ҳам ишламайдими?

— Қайси каравот?

— Ҳовли юзида нечта каравот бор?

— Назаримда, битта эди чоғи.

— Ҳозир нечта?

— Ҳозир...

— Бир дарддан қутилиб, иккинчисига гирифтор бўлганга ўхшайсиз. Яхшиси, бу ишни ўзимга қолдириб, бошқаси билан шуғулланинг.

— Хўш?

— Бориб пенсиянгизни олиб, аввал уй пулини топширинг. Ижара пулини. Тушунгингизми? Ёки буни ҳам эсингиздан чиқарасизми?

— Йўқ, жоним, эсимдан чиқармайман.

— Хўп, такрорлангчи?

— Бориб пенсиямни оламан, кейин ҳовли пулини тўлайман.

— Тузук. Кейин ўзингизга битта костюм сотиб олинг. Агар қолса, менга битта пайпоқ олинг, — деди янгангиз ва унутмаслигимни қайта-қайта тайинлади. — Энди эсингиздан чиқармайсизми?

— Нақотки унутсам, жоним?

— Тезроқ боринг, кеч бўлмасин.

— Хўп, жоним.

Минг лаънат бу бедаво дардга! Пенсияни олдим, ўзимга костюм ҳам харид қилдим. Костюммисан-костюм-да: «у ёққа ўтинг, тўрга чиқинг!» хилидан. Лекин уй пулини тўлаш эсдан чиқибди. Буфетдан юзта отгандан кейин янгангизга пайпоқ олишни ҳам унутганлигим ёдимга тушиб қолди. Ҳечқиси йўқ, пайпоқ киймаса оёғи узилиб тушмас. Катта аммаси пайпоқ кийган эдимики, бу кийсин?..

— Эсингиз қурсин, хотирангизга ўлат! Энди қайси пайпоқни кийиб тўйга бораман! — Янгангиз ички чўнтагини кавлаштириб зуғум қилди. — Майг, мана бу пулни олинг-у, дарров бориб пайпоқ олиб келинг! Эшитдингизми? Пай-поқ!!!

Сабил қолсин, бироз салқинлай деб пивохонага кирдим-у бутун оламни унутибман. Хўп, дедим, овқатланаман-у тўғри бозорга тушаман, битта эмас беш-олтита пайпоқ келтираман. Бундан кейин пайпоқ ташвишини тортиб юрмасин. Хайрият янгангиз уйда йўқ эди. Ошхонага кирдим. Овқат столи устида доимий барра кабоб ўринда бир хатчани кўриб, ҳайрон қолдим.

«Жонгинам, — ёзибди янгангиз, — мени кечиринг. Паришонхотирлик қуриб кетсин! Барра кабобни ўзим еб, сизнинг қорнингизни унутибман. Чойни ичдим-у чойнак-пиёланиювиш, дастурхонни йиғиштиришни эсдан чиқарибман. На илож? Касаллик-да».

Иккинчи куни янгангиздан узр сўрамоқчи эдим, бироқ эсимдан чиқибди.

На илож? Касаллик-да.

Тожикчадан Н. АМИНОВ таржимаси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ДАВОЛАШ ШОХОБЧАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Оржоникидзе районида медицина муассасалари шохобчаларини кенгайтиришга катта эътибор бериляпти. Ҳозир бу ерда янги поликлиника қурилиши бошлаб юборилди. У фойдаланишга топширилгач, ҳар куни 700 беморни қабул қилиши мумкин бўлади. Поликлиника турли касалликлар бўйича бўлим ва кабинетлар ташкил этилади. Улар энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланади.

Поликлиника қурилишини 23-қурилиш трестига қараштирилган. Ҳозирги кунда 3-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари олиб бораётирлар. Улар бу объектни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга сўз беришган.

Район марказий касалхонаси янги медицина пунктлари ташкил этиш учун типовой йиғма уйлардан ҳам фойдаланяпти. Яқинда ана шундай 10 та йиғма уй турли қишлоқларда медицина пунктлари ташкил этиш учун сотиб олинди.

ДАЛА ШИПОНИ — ҲАВАСКОРЛАР САҲНАСИ

Коммунистик райони бадиий ҳаваскорлари дала ишлари авж олган ҳозирги пайтда деҳқон ва механизаторларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаб бермоқдалар. Шу кунларда колхоз ва совхоз дала шийпонларида ҳаваскор ижрочилар томонидан концертлар қўйилянти.

Яқинда Свердлов номли колхоз 4-бригадасида район маданият уйининг «Баҳт» вокал-чолғу ансамбли ҳаваскорлари дала меҳнаткашларига концерт қўйиб беришди. Шийпонда куй ва қўшиқ янгради, рақсосалар хиром этишди.

М. ЗАРИПОВ.

ТОМОША КЕТИДАН ТОМОША

— Қани, «қизалоқ» бир рақс тушиб берчи...

Цирк манежи бўйлаб майин куй таралди ва қизалоқ рақс туша бошлайди. «Қизалоқ» фақат циркдагина эмас, умуман санъатда жуда кам учрайдиган артистлардан. Вазнини айтмайсизми, нақд бир ярим тонна!

Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Тофиқ Охундов бегемотни цирк аренасида томошага олиб чиққунча озмунча меҳнат сарфлагани йўқ. Бу улкан, гавдаси кўпол, ҳаракатлари суст, териси қалин жонивор билан асосан ҳайвонот боғларидагина танишиш мумкин. Ўшанда ҳам бегемотлар эртадан кечгача сув кечиб, атрофда бўлаётган воқеаларга бефарқликларидан томошага келган ҳайвонот ишқибозларига қайрилиб ҳам қарамайдилар.

Тофиқ Гўсейнович худди шундай ҳайвонларни манежга олиб чиқишга муваффақ бўлди. Энди бегемотлар иштирокидаги номерларни кўрар экансиз, улар тўғрисидаги аввалги тасаввурингиздан асар ҳам қолмайди. Улкан жониворларнинг бефарқлиги, дангасалик билан қадам ташлашини сира учрата олмайсиз. Манежда улар енгил ҳаракат билан рақс тушишади турли-туман бошқа номерлари билан томошабинларни лол қолдиришади. Ана шу қизиқарли томошаларни мухлислар эътиборига ҳавола этиш учун жуда катта меҳнат, изланиш керак бўлди.

...Бегемотлар Тошкент циркида кўп томоша кўрсатганлари йўқ. Аммо, томошага томоша уланиб, уларни янги аттракционда кўриш имкони туғилди. Куни кеча шаҳримизга Юрий Никулин сценарийси асосида бир гуруҳ қизиқчилар томоша бошладилар.

Дарҳақиқат шундай. Машҳур цирк ва кино устаси шогирдлари Тошкентда манежга чиқади. Унинг иштирокидаги янги программага бегемотлар томошаси ҳам уланиб кетади. «Кулги кечаси» деб номланган программага цирк санъатининг турли жанрларидан намуналар киритилган.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Суратда: Бегемотлар манежда.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН КОНЦЕРТ

Ўн биринчи беш йилликнинг энг муҳим қурилиш бўлган Ангреннинг 2-ГРЭСи майдончасида муваққат саҳна ташкил қилинди. Бу саҳнада эстрада ҳонандалари — ўзбек радиосининг солистлари Муҳаббат Шамаева, Лариса Кандалова, Наталья Нурмуҳамедова концерт бердилар. Бу концерт — ГРЭС қурувчилари билан Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўртасида тузилган ижодий ҳамкорлик программаси асосида ўтказилган биринчи тадбирдир. Шартномада оркестрлар, ҳонандаларнинг концерт беришигина эмас, шу билан бирга ГРЭС меҳнаткашлари тўғрисида, қурилишнинг бориши ҳақида туркум эшиттиришлар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. (ЎзТАГ).

СТАРТДА — ДИНАМОЧИЛАР

Кеча «Динамо» физкультура ва спорт жамиятининг Тошкент область Совети стадионида хизмат кўпкураши бўйича республика Ички ишлар министрлигининг биринчилиги мусобақаларига старт берилди. Уни область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковники А. С. Майоров очди. Мусобақаларда Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар министрлигининг, область ички ишлар бошқармаларининг ва Тошкент шаҳри командалари иштирок этаётирлар. Ҳар бир команда составида беш нафардан спортчи бор.

Хизмат кўпкураши милиция ходимларининг энг севимли спорт турларидан бири ҳисобланади. Чунки, у милиция ходимларининг кундалик ва машаққатли хизматларида жуда кўл келади. Шунинг учун ҳам динамочилар ўртасида спортнинг бу турини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Район, шаҳар, область ва республика миқёсида мусобақалар ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Кўпкураш мусобақалари программаси қатъий қилиб белгиланган. У спортнинг беш туридан иборат; мотоциклни фигурали бошқариш, тўсиқлар оша югуриш, шахсий қуролдан отиш, жойини мўлжалга олиб чопиш ҳамда сузиш. Беш кун давом этадиган мусобақаларнинг биринчи босқичида уста мотоциклчилар ўзаро беллашишди.

Анъанавий мусобақанинг ўтган йилги чемпиони — пойтахт области командаси бу сафар ҳам биринчиликка жиддий тайёргарлик кўрди.

— Апрель ойида бўлиб ўтган район, область биринчиликлари мазкур мусобақалар учун тайёргарлик вазифасини ўтади, — дейди «Динамо» спорт жамияти область Совети раисининг ўринбосари Ю. И. Пакин. — Область биринчилигида энг юқори натижани қўлга киритган беш спортчидан терма команда туздик. Булар ўтган йилги республика чемпиони, Янгийўл районидан Суннат Аширов, Янгийўл шаҳридан Ғани Зокиров, Сардор Норматов, чинозлик Ҳайитбой Ўрозов ва ангренлик Николай Панаевлардир.

Барча босқич якунларига кўра голиб команда ва спортчи 19 май куни маълум бўлади. Бу кунлар давомида улар ихтиёрига пойтахтдаги ва областдаги энг яхши стадионлар берилиб қўйилади. Энг кучли кўпкурашчилардан республика терма командаси ташкил топади. Команда шу йилнинг ёзида Ленинград шаҳрида бўлиб ўтадиган СССР Ички ишлар министрлигининг чемпионатида серкўёш республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилади.

Ҳозир эса мусобақалар давом этаётир. Юксак ном учун кураш авжида.

Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ.



Мусобақаларнинг очилиш пайти ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Спортчилар паради уюштирилди. Улар яна бир карра мазкур тадбирга зўр тайёргарлик кўришганини намойиш қилдилар. Суратларда: мотоциклчи — спортчилар масофада.

А. Абалян фотолари.



Спорт

ШОҲИД ЗАГРИДДИНОВ ПЕШҚАДАМ

Жаҳон велопойгасининг олтинчи босқичидан кейин тошкентлик Шоҳид Загриддинов шахсий ҳисобда пешқадамликни қўлга олди. СССР терма командаси капитани командадош дўстлари билан бу сафарги оралиқ финишида ҳам яхши натижа кўрсатди. Карлови Вари—Прага оралиғидаги 171 километрлик 6-босқичда ҳамшаҳаримиз маррага биринчи бўлиб келди. Ш. Загриддинов Прага кўчалари бўйлаб ўтказиладиган еттинчи босқичга пешқадамлик майкасини кийиб чиқади.

БРОНЗА ВА КУМУШ

Курск жанги қаҳрамонлари хотира совғини учун дзюдочиларнинг Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда республикамиздан 10 спортчи қатнашди. Уларнинг ярми медалларга сазовор бўлди. 86 килограммгача вазнлилар ўртасида тошкентлик динамочи Муҳиддин Дадахўжаев кумуш медалга сазовор бўлди. Тошкентлик Александр Градусов, Комил Юсупов, Анатолий Глазунов ва чирчиқлик Рустам Амеровлар бронза медаллари билан тақдирланишди.

КАМОНЧИЛАРНИНГ БАҲОРГИ ТУРНИРИ

Львов шаҳрида камондан отиш бўйича ўтказилган халқаро турнирда совет спортчилари билан бирга бир қатор чет мамлакатларнинг мерганлари ҳам қатнашдилар. Тошкентлик «Меҳнат резервлари» вакили Ольга Рогова М-2 машқида 2564 очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллади. Н. Бутузова эса 7 очко орқада қолиб, учинчи бўлди.

ФИНАЛДА ҚАТНАШИШАДИ

«Пахтакор» стадиони югуриш йўлкалари бу сафар еш спортчилар ихтиёрига берилди. Тўрт кун давомида қизлар ва болалар ўртасида енгил атлетикачиларнинг республика мусобақасида 17 команда сафида юздан ортиқ спортчи қатнашди. Тошкентдаги 175-мактабнинг қизлар ва болалар командаси биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар 10—12 июнда Евпаторияда бўладиган Бутуниттифоқ мусобақаларида республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилишади.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

«УЗБЕККОНЦЕРТ»
УЗБЕКИСТОН ССРДА ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
20, 21, 23, 24 май соат 19.00 да
СССР халқ артисти
Жўрабек МУРОДОВ
ва
Тожикистон ССР халқ артисти
Малика ҚАЛАНДАРОВА
ИШТИРОКИДА
ТОЖИКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
К О Н Ц Е Р Т И

25 май соат 19.00 да
Тожикистон ССР халқ артисти
Жўрабек НАБИЕВ
ИШТИРОКИДА
Ленинобод республика музиқали комедия театри артистларининг
К О Н Ц Е Р Т И

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
25 май соат 19.00 да
Тожикистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган
ДАВЛАТ «ЛОЛА» РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
К О Н Ц Е Р Т И
Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати ва Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Г. Валломатзода.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА
20 ва 25 май соат 19.00 да
ОРГАН МУЗИКАСИНИНГ КЕЧАСИ
Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ совет ёшлари фестивалининг лауреати
ДИЛБАР ВАЛЛОМАТЗОДА ЧАЛАДИ.
Солист—Адҳам ХОЛИҚОВ.
Программада: БАХ, ГЕНДЕЛЬ, БУКСТЕХУДА ва бошқа композиторларнинг асарлари ижро этилади.
Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

Тошкент область ижроия комитетининг
МЕҲНАТ БУЙИЧА БЎЛИМИ
УЗОҚ ШАРҚ РАЙОНЛАРИДАГИ БАЛИҚ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИ ЕЛГИЗ ЭРКАКЛАР БА АЁЛЛАР БИЛАН 6 ОЙ МУДДАТГА ТУЗИЛАДИ.
Ҳужжатлар жўнаш кунидан 10 кун олдин расмийлаштирилади.
ЖЎНАШ КУНЛАРИ:
«ОСТРОВНОЙ» БАЛИҚ КОМБИНАТИ — 11 июнда.
«ВАЛЕНТИН» БАЛИҚ ЗАВОДИ—28 майда.
«КАМЧАТРИБПРОМ»—28 май, 3 июнда.
«САХАЛИНРИБПРОМ»—3 июнь, 11 июнь, 20 августда.
«НАХОДКА» БАЛИҚПОРТИ — 18 июнда.
ХАНТИ-МАНСИЙСК БАЛИҚ КОМБИНАТИ—25 июнда.
Справкаларни қуйидаги адреслардан олиш мумкин: область шаҳарлари ва районларида шаҳар-район ижроия комитетларининг меҳнат бўйича вакиллари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларида; Тошкент шаҳрида—Привокзальная кўчаси, 30-уй.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Катта секстет. 10.25 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.55 — Оталар, сизлар учун. 11.25 — Халқаро музейлар куни. 12.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.30 — Спортлото. 12.40 — Ихтирочилар конкурси. 13.35 — Советлар ва ҳаёт. 14.05 — Концерт. 14.40 — Жасорат. 15.10 — Дунё воқеалари. 15.25 — Онам мени бахтли қилиб туққан. Бадиий фильм. 16.40 — Ҳайвонот оламида. 17.40 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.10 — Жаҳон ва Европа чемпионлари. СССР хоккей терма командаси билан Останкинонинг қишлоқ боғида учрашув. 19.10 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 19.55 — Концерт. 20.05 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.05 — Альпларда қорли карнавал.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Миниатюралар. 10.50 — Фильм-балет. 11.55 — Ангренликлар беш йиллик зарбдор вахтасида. 12.25 — Театр учрашувлари. 13.45 — Ота-оналар университети. 14.15—Спорт программаси. 15.15 — Жанговор постда. 18.20 — Мультфильм. 18.40 Юлдузча. 19.10 — Қалбларда баҳор. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мультипанорама. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Фильм. 21.00 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05— Чорвадор программаси. 22.25 — Кирол қомийлари. Бадиий фильм. 3-серия. 23.25 — Спорт оҳанглари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—16 IV да Қиёмат қарз, 17 IV да Ғаريблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16 IV да Ишонмасанг ўламан, 17 IV да Тўйдан олдин томоша, 18 IV да Ҳижрон.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 16 IV да Янги программа. Кулги кечаси.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Телефонлар: редактор ўринбосарлари -335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325834.